

**АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ  
А Ж Р И М И**

2021 йил октябрь ойининг 28 куни Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати вилоят суди биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Н.Расулов,

ҳайъат судьялари А.Ғаппоров, У.Имомовалардан иборат таркибда, Ш.Ёқубовнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори Х.Раимбердиев, М.Салоҳидинов, судланувчи Чччччччччччч, унинг ҳимоячилари Ф.Умаров, О.Матякубова, Д.Рахмонова, судланувчи Вввввввввввв, унинг ҳимоячиси Д.Рахмонова, судланувчи Аааааааааааааа ва унинг ҳимоячилари Х.Игамбердиев, О.Абдурахмонов, жабрланувчи М.Тургуновнинг вакили адвокат М.Мирзаев, жабрланувчи С.Зулуновнинг вакили адвокат Қ.Умаров, М.Таджибаевнинг иштирокида, жиноят ишини судланувчилар Чччччччччччч, Вввввввввввв ва Ааааааааааааанинг ҳимоячилари билан биргаликда келтирган апелляция шикоятларига асосан апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Олтинкўл туман судининг 2021 йил 31 майдаги ҳукмига кўра:

Ффффффффффф,

1981 йил 29 августда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 5 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1. жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2003 йил 18 сентябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми, 117-моддаси 2-қисми билан 6 йил озодлиқдан маҳрум қилиш;

2. жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 2009 йил 17 декабрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 1-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш

ишлари жазосига судланган, ишламайди, Андижон шаҳар, Фитрат кўчаси, 59-уйда яшаган, 2020 йил 25 декабрдан қамоқда сақланаётганга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 137-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан 5 йил 6 ой, 166-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан 3 йил, 105-моддаси 2-қисми “е” банди билан 3 йил, 165-моддаси 3-қисми “а” банди билан 10 йил 6 ой, 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган;

Ыыыыыыыыыыыыыыыы, 1991 йил 17 ноябрда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1. жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг 2014 йил 15 июлдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 йил 11 ой 20 кун ахлоқ тузатиш ишлари;

2. жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг 2016 йил 5 февралдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 2-қисми “г” банди билан 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилиниб, ЖК 72-моддасига асосан 1 йил синов белгиланган;

3. жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2016 йил 14 июлдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 60-моддасига асосан 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилиниб, ЖК 72-моддасига асосан 1 йил синов белгиланганиб, 3.256.000 сўм жарима жазосига судланган;

4. жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг 2018 йил 29 октябрдаги ажримига кўра унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашув

тартибида тугатилган, ишламайди, Андижон шаҳар, Фитрат кўчаси, 63-уйда яшаган, иш бўйича 2020 йил 25 декабрь кунидан қамоқда сақланаётганга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 137-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан 5 йил, 166-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан 3 йил, 165-моддаси 3-қисми “а” банди билан 10 йил, 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Ааааааааааааа, 1982 йил 10 августда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, судланмаган, “Оби-ҳаёт ғунчалари” НТМ раҳбари, Андижон тумани, Нохатак МФЙ, Нохатак кўчаси, 66-уйда яшаган, иш бўйича 2020 йил 25 декабрь кунидан қамоқда сақланаётганга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 165-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 6 йил, 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчилар Чччччччччччч ва Вввввввввввввв бир гуруҳ бўлиб, 2020 йил 29 октябрь куни соат 16 ларда Андижон тумани Куйган-ёр шаҳарчасида жабрланувчилар М.Турғунов ва С.Зулуновга нисбатан куч ишлатиб, С.Зулуновга тегишли 60F6370A давлат рақам белгили “Ласетти” русумли автомашинага мажбуран чиқариб, автомашинани Чччччччччччч бошқарган ҳолда уларни эркига ҳилоф равишда олиб қочиб, ўғирлаганликда;

Чччччччччччч ва Вввввввввввввв 2020 йил 29 октябрь куни соат 16:00 ларда С.Зулуновга тегишли 60F6370A давлат рақам белгили “Ласетти” русумли автомашинасини Андижон туман ҳудудидан Андижон шаҳар томон бошқариб кетаётиб, ўзлари томонидан ўғирлаб кетилаётган М.Турғуновгани ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, унинг чўнтагида бўлган 1.600.000 сўмлик “Самсунг С-10” русумли уяли телефон аппаратини очикдан-очик талон-торож қилганликда;

Чччччччччччч 2020 йил 29 октябрь куни соат 21:30 ларда М.Турғуновни ўзига тегишли Андижон шаҳар “Ўзбекистон” МФЙ Н.Охунов кўчасида жойлашган қурилиши битмаган бинога олиб келиб, кўп қаватли уйнинг қурилишига киритилган маблағни қайтариб бермаслик



Судланувчи Чччччччччччч ҳимоячилари билан биргаликда келтирилган апелляция шикоятларида, асоссиз судланганини, суд жабрланувчилар томонидан вужудга келтирилган сохта далилларга асосан ҳукм чиқаргани, жабрланувчилар томонидан ҳолатлар уюштирилганига оид далилар суд томонидан инobatга олинмаганини кўрсатиб, жабрланувчиларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, ўзига нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судланувчи Вввввввввввввв ҳимоячиси билан биргаликда келтирган апелляция шикоятида, асоссиз судланганини, жиноят содир этмагани, иш жабрланувчиар билан умуман мулоқотда бўлмагани, уларнинг масалаларига аралашмаганини, жабрланувчилар ҳам бу ҳолатни тасдиқласаларда, суд асоссиз айблов ҳукми чиқарганини кўрсатиб, ўзига нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судланувчи Аааааааааааааа ҳимоячилари билан биргаликда келтирган апелляция шикоятида, асоссиз судланганини, жиноят содир этмагани, М.Тургуновни фуқаролик паспортини ушламаганини, М.Тургунов 25.000 АҚШ доллари учун тилхат ёзган деб кўрсатилаётган вақтда воқеа жойида бўлмаганини, М.Тургунов ва С.Зулуновлар ўртасидаги олди-берди масалалари қарз экани, фирибгарлик содир этмагани, ўзаро келишувлари бўлганини, суд асоссиз айблов ҳукми чиқарганини кўрсатиб, ўзига нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят суди судьяси У.Имомованинг маърузасини, ҳимоячилар Ф.Умаров, О.Матякубова, Д.Рахмонова, Х.Игамбердиев, О.Абдурахмоновнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини, прокурор М.Салохидиновнинг ҳукмни ўзгартиришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчилар Чччччччччччч, Вввввввввввввв ва Ааааааааааааааанинг ўз шикоятларини қаноатлантириш ҳақидаги музокара сўзларини тинглаб, шикоятлардаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан апелляция шикоятларини қисман қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Жабрланувчи С.Зулунов апелляция инстанцияси суд мажлисида, дастлабки тергов ва биринчи босқич суд мажлисида берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлаши, 2020 йил октябрь оyi бошларида Аааааааааааааа у ва М.Турғуновга Андижон шаҳри ҳудудида бўлаётган қурилиш лойиҳасини олиб келиб, ушбу лойиҳа юзасидан қурилиш бўлаётганлиги, қурилишни амалга ошириш учун маблағ кераклигини, улар қўшилишса яхши даромад қолишини айтгани сабабли яшаш уйини сотиб 25.000 АҚШ долларини М.Турғунов билан бирга Ччччччччччччга бергани, Чччччччччччччччч ушбу пулни “Зеро Макс” фирмаси раҳбари А.Джалиловга олиб бориб бергани, А.Джалилов Чччччччччччччччч пулларни олганлиги ҳақида тилхат ёзиб бергани, кейинчалик бу лойиҳага қўшилиш ниятидан қайтиб, 25.000 АҚШ долларини қайтариб олиш мақсадида Аааааааааааааани олдига борганида, бир сафар Аааааааааааааа унга Ччччччччччччччччни жахли чиқиб турганлигини, шу







ташлаб кетгани, эртаси куни унинг кўкрак қафасида оғриқ пайдо бўлганлиги сабабли С.Зулунов ва Диёр исмли таниши билан бирга Избоскан туман ШТЁБга бориб рентген кўригидан ўтганини баён қилиб кўрсатув берди.

Судланувчи Чччччччччччнинг Ўзбекистон Республикаси ЖК 137-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 105-моддаси 2-қисмининг “е” банди, 165-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” бандида, судланувчи Вввввввввввввнинг Ўзбекистон Республикаси ЖК 137-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 165-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” бандида, Аааааааааааааанинг Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 165-моддаси 3-қисми “а” банди, 227-моддаси 2-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби суд ҳукмида баён қилинган жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувлари, сўроқ, юзлаштириш баённомалари, ҳодиса видеотасвири туширилган диск, ашёвий далил тариқасида олинган тилхатлар, Избоскан туман ШТЁБ маълумотномаси, суд-тиббий экспертизалар хулосалари, уяли телефон апаратини олиш, таниб олиш баённомалари, сўзлашувлар аудиоёзулари ва стенограммаси, ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Биринчи босқич суди томонидан судланувчиларнинг жиноят содир этмаганлари, М.Турғуновни ўғирламаганлари, у ўз ихтиёри билан бирга боргани, М.Турғуновни урмаганликлари, кўрқитмаганликлари, зўрлик ишлатмаганликлари, унга тан жароҳати етказмаганликлари, тилхатни мажбурий ёздирмаганликлари, у ўз ихтиёри билан ёзганлиги, Аааааааааааааанинг фирибгарлик қилмагани, жабрланувчиларни алдамагани, шу сабабли уларни айбсиз деб топиб, оқлашни сўраб берган кўрсатувлари атрофлича муҳокама қилиниб, уларнинг айблари юқоридаги далиллар билан исботлангани сабабли асосли рад қилинган.

Апелляция инстанцияси суд мажлисида жабрланувчи С.Зулунов судланувчи Аааааааааааааа томонидан унга жиноят оқибатида етказилган зарар қопланмаганини, унинг оила аъзолари илтимосига кўра, зарарни у қамоқдан озод бўлгач тўлашига рози бўлиб, биринчи босқич судида унга етказилган зарар қоплангани ҳақида ариза бергани, аммо ҳозирда судланувчи Аааааааааааааадан унга жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланмаган қисми 34.500 АҚШ долларини ундириш ҳақида даъво ариза берди.

Судланувчи Аааааааааааааа С.Зулуновга етказилган зарар учун ўзига тегишли бўлган “Малибу” русумли автомашинани унинг номига ўтказиб бериб, зарарни қоплаганини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 124-моддасида даъвогар арз қилинган талабларидан воз кечган, тарафлар келишув битими тузган бўлса ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса иш юритиш тугатилиши, иш юритиш тугатилган тақдирда, айтиб берилган тараф ўртасидаги, айтиб берилган предмет тўғрисидаги ва айтиб берилган асослар бўйича низо юзасидан судга

иккинчи марта муурожаат қилишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди томонидан жабрланувчи С.Зулуновнинг унга жиноят оқибатида етказилган 43.000 АҚШ доллари миқдоридagi зарар судланувчи Ааааааааааааанинг яқин қариндошлари томонидан тўлиқ қоплангани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги аризасига асосан, жиноят оқибатида С.Зулуновга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини эътироф этиш ва шунга кўра, Аааааааааааааага Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақида тўғри тўхтамга келган. Айнан шунга кўра, апелляция инстанцияси С.Зулуновнинг судланувчи Ааааааааааааадан унга жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланмаган қисми 34.500 АҚШ долларини ундириш ҳақидаги даъвосини рад этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандларида бир гуруҳ шахслар томонидан ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ишдаги, апелляция инстанцияси судида аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчилар Чччччччччччч ва Вввввввввввв томонидан жабрланувчи М.Тургуновга тегишли телефон аппарати уни очикдан-очик талон-торож қилиш, яъни уни мулк сифатида эгаллаш учун эмас, балки М.Тургуновнинг телефондан фойдаланишини чеклаш мақсадида олинган, яъни уларнинг қасди мулкни талон-торож қилишга қаратилмаган, уларда бу телефонга мулк сифатида керак бўлмаган.

Биринчи босқич суди судланувчи Ччччччччччччнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 137-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 105-моддаси 2-қисмининг “е” банди, 165-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди, судланувчи Ввввввввввввнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 137-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 165-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди, Ааааааааааааанинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 165-моддаси 3-қисми “а” банди, 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилиб, уларга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларига риоя қилган ҳолда содир этилган жиноятнинг хусусиятини, ижтимоий хавfliлик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олган ҳолда қилмишларига яраша асосли жазо тайинлаган бир вазиятда, судланувчилар Чччччччччччч ва Ввввввввввввни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандлари билан айбли деб топиб хатога йўл қўйган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати суд ҳукмининг Чччччччччччч ва Вввввввввввввга оид қисмини ўзгартиришни, уларнинг зиммасидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандлари билан қўйилган айблов ва шу модда билан тайинланган жазоларни чиқаришни, уларнинг ҳимоячилари билан биргаликда келтирган апелляция шикоятларини қисман қаноатлантиришни, ҳукмнинг Аааааааааааааага оид ва қолган қисми ўзгаришсиз, судланувчи Ааааааааааааанинг ҳимоячилари билан биргаликда келтирган апелляция шикоятларини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>11</sup>, 497<sup>17</sup>, 497<sup>25</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Олтинкўл туман судининг 2021 йил 31 майдаги ҳукмининг Фффффффффф ва Ыыыыыыыыыыыыыга оид қисми ўзгартирилсин.

Ччччччччччччнинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандлари чиқарилсин, шу муносабат билан унга ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандлари билан тайинланган жазо чиқарилиб, ЖК 137-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 105-моддаси 2-қисмининг “е” банди, 165-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тайинланган жазолар аслича қолдирилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 11 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Вввввввввввввнинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандлари чиқарилсин, шу муносабат билан унга ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандлари билан тайинланган жазо чиқарилиб, ЖК 137-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 165-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тайинланган жазолар аслича қолдирилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 10 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ҳукмнинг Аааааааааааааага оид ва қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, судланувчилар Чччччччччччч, Вввввввввввввнинг ҳимоячилари билан биргаликдаги апелляция шикоятлари қисман қаноатлантирилсин, судланувчи Ааааааааааааанинг ҳимоячилари билан биргаликда келтирган апелляция шикоятлари эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:

Н.Расулов

Ҳайъат судьялари:

А.Ғаппоров

У.Имомова

имзолар

Ажрим нусхаси аслига тўғри,  
вилоят судининг судьяси

У.Имомова